

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019 Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ЖУМАНОВА ШАҲНОЗА ИКРОМЖОНОВНА

УСМОН АЗИМ ШЕЪРИЯТИДА ПЕЙЗАЖ ТИПОЛОГИЯСИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Content of the abstract of dissertation on doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

Жуманова Шахноза Икромжоновна

Усмон Азим шеърлятида пейзаж типологияси 3

Jumanova Shahnoza Ikramjanovna

Typology of scenery in the poetry of Usman Azim 27

Жуманова Шахноза Икромжоновна

Типология пейзажа в поэзии Усмана Азима 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works

Список опубликованных работ 53

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019 Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ЖУМАНОВА ШАҲНОЗА ИКРОМЖОНОВНА

УСМОН АЗИМ ШЕЪРИЯТИДА ПЕЙЗАЖ ТИПОЛОГИЯСИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1 PhD/Fil2190 рақами билан рўйхатга олинган.

Тадқиқот Кўқон давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.fdu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида www.ziyo.net/uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қобилова Зебохон Бакировна
филология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Қосимов Абдуғофир Абдукаримович
филология фанлари доктори, профессор

Муллахўжаева Раъно Тошхўжасви
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «1» ноябрь соат 11:30 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Фарғона шаҳар, Бурхониддин Марғинович кўчаси, 105. Тел.: (99873) 244-44-29, факс (99873) 244-46-03; e-mail: farfu_info@mail.ru).

Диссертация билан Фарғона давлат университети Ахборот ресурс марказида танишни мумкин (199 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100151, Фарғона, Мураббийлар кўчаси, 19. Тел.: (99873) 244-46-02.

Диссертация автореферати 2022 йил «18» октябрь кuni тарқатилди.
(2022 йил «18» 10 даги 59 рақамли реестр баённомаси).



Ш.М. Искандарова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, филол.ф.д., проф.

М.Т. Зокиров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, филол. ф. н., доцент

А.Ф. Сабирдинов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, филол. ф. д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида инсоннинг табиий муҳитга муносабати, табиатнинг инсон ҳаётидага ўрни каби масалалар доимо долзарб саналган. Айниқса, кейинги йилларда адабиётшуносликда табиат ва инсон муаммосини ўрганишда катта тажрибалар орттирилди, анъаналар шаклланди. Бадиий асарларнинг поэтик-онтологик асосларини аниқлаш, бадиий-эстетик тафаккурнинг ривожланиш жараёнларини тадқиқ этишга эътибор тобора кучаймоқда. Мазкур жараёнлар ижтимоий-сиёсий, тарихий-маданий воқеликлар асосида кечади ва, албатта, бадиий асарга муносабат ҳам ижтимоий кайфиятнинг ўзгариб бориши билан янгиланиб боради.

Дунё адабиётшунослигида ижодкорларнинг пейзаждан фойдаланиш маҳорати, услуби, пейзаж образларининг концептуал-мундарижавий компонентлари бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда ва янги тамойиллари кашф этилмоқда. Табиат унсурларининг поэтик вазифасини англаш орқали ижодкорнинг фалсафий-ижтимоий қарашларини тушуниш осонлашиши адабиётшуносликда ўз ифодасини топмоқда.

Ўзбек адабиётшунослигида пейзаж таснифи, бадиий матндаги аҳамияти, вазифалари, ижодкорнинг ғоявий-эстетик дунёқарашидаги ўрни етарлича тадқиқ этилган эмас. Мумтоз адабиётда шеърини санъатларга кўпроқ урғу берилган, аммо уларга асос бўлиб хизмат қилган табиат унсурлари ва табиат манзараси тасвири ўзининг илмий-назарий баҳосини топмаган. Замоनावий ўзбек шеърини бўйича амалга оширилган тадқиқотларда ҳам пейзажга етарлича аҳамият берилган дейиш мушкул. Усмон Азим шеъринида пейзаж ижодкорнинг бадиий-эстетик қарашларини тушуниб етиш ва шоирнинг поэтик тамойилларини кашф қилишда етакчи восита бўлиб хизмат қилади. Зеро, "...ўзбек мумтоз ва замоनावий адабиётини халқаро микёсда ўрганиш ва тарғиб қилиш, кўпқиррали бу мавзуни бугунги кунда дунё адабий маконида юз бераётган энг муҳим жараёнлар билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил этиб, зарур илмий-амалий хулосалар чиқариш... катта аҳамиятга эга"¹. Усмон Азим шеърини бўйича амалга оширилган диссертацияларда ижодкорнинг табиат манзараси тасвири ва табиат унсурлари воситасидаги образлилик тизими тадқиқ доирасига тортилмаганини инобатга олсак, мазкур диссертация шоирнинг бадиий оламини кашф этишда муҳим аҳамият касб этади. Усмон Азим ижодида пейзаж тадқиқи мисолида у билан бир даврда ижод қилган шоирларнинг ижтимоий-фалсафий дунёқарашига ҳам "туйнук" очилишини айтиб ўтиш лозим.

Адабий тенденциялар кундан кун ўсиб бораётган бугунги адабий жараёнда пейзаж тадқиқини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 13

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбек мумтоз ва замоनावий адабиётини халқаро микёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари" мавзусидаги халқаро конференция иштирокчиларига йўллаган табриги. // Халқ сўзи. – Тошкент, 2018 йил 8 август.

сентябрдаги ПҚ-3271-сон, “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорлари, 2019 йил 10 октябрдаги ЎРҚ-576-сон “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги қонуни, 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПФ-5850-сон Фармони ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Истиқлолгача бўлган даврда ва ундан кейин пейзаж бўйича баъзи тадқиқотларни² айтмаганда, ўзбек адабиётшунослигида пейзаж назарияси яхлит ҳолда ўрганилмаган. Усмон Азим ижодида пейзаж типологияси масаласи ҳам шу давргача тадқиқ этилмаган. Пейзаж ва поэзия тамойилларига доир назарий манбаларни³ ўрганиш асносида ушбу қонуниятларни ўзбек адабиётшунослиги учун қўллаш вақти келганига амин бўлдик.

Усмон Азим шеърияти ҳақида филология бўйича фалсафа докторлиги илмий даражасини олиш учун иккита диссертация,⁴ битта докторлик диссертацияси⁵ ҳимоя қилинди. Хусусан, Ж.Сувонованинг тадқиқотида Усмон Азимнинг бадиий изланишлари ва услубига хос хусусиятлар ўрганилган бўлса, С.Умирова шоир шеъриятининг лингвопоэтик

² Султонова М. Пейзаж санъати. –Тошкент: Фан, 1983; Эркинов А. Навоий – пейзаж устаси. –Тошкент: Фан, 1988; Йўлдошев Н. Чўлпон шеъриятида пейзаж. Фил.фан.ном.дисс. –Тошкент, 1994; Суяров М. Пейзаж шеъриятда композиция // Ўзбек тили ва адабиёти, 2008 1-сон; Муллаҳўжаева К. Алишер Навоий ғазалиётида тасаввуфий тимсол ва бадиий санъатлар уйғунлиги. –Тошкент: Akademy Nashr, 2019.

³ Иванисенко В. Поэзия. Жизнь. Человек. – Москва, 1962; Гинзбург Л.Я. О лирике. – Москва, 1964; Руднева О. Концептуализация пейзажа в малой прозе И.А.Бунина. дисс.кан.фил.наук. – Сургут, 2007; Эпштейн М.Н. Природа, мир, тайник вселенной. Москва: Высшая школа, 1990; Фейсенко Э.Я. Теория литературы. – Москва, 2008; Зотов И. Человек и природа в “Русском лесе”. – Большой мир. –Москва, 1972; Кузьмичев И.К. Введение в общее литературоведение XXI века. –Нижний Новгород, 2001; Эткин Е. Разговор о стихах. – Москва, 1970; Сильман Т.И. Заметки о лирике. –Ленинград, 1978; Дрыжакова Е. В волшебном мире поэзии. – Москва, 1978; Вишневский К.Д. Мир глазами поэта. –Москва, 1979; Альфонсов В. Поэзия Бориса Пастернака. –Ленинград, 1990; Потемня А.А. Теоретическая поэтика. –Москва, 1990; Путилов Б.Н. Веселовский и проблемы фольклорного мотива // Наследие Александра Веселовского. Исследования и материалы. – СПб, 1992. –С.74-85; Томашевский Б.В. Теория литературы. Поэтика. – М.: Аспект пресс, 1996. –С.182; Медриш Д.Н. Литература и фольклорная традиция. – Саратов, 1980; Лотман Ю.М. Структура художественного текста // Лотман Ю.М. Об искусстве. – СПб.: Искусство – СПб, 1998; Nancy Worman. Landscape and the Spaces of Metaphor in Ancient Literary Theory and Criticism. Cambridge university press, 2015; Frye N. Anatomy of Criticism. Princeton, 1957.

⁴ Сувонова Ж. Ҳозирги ўзбек шеъриятида бадиий изланишлар (Усмон Азим ижоди мисолида). Фил.фан.ном.дис. – Самарқанд, 2000, Сувонова Ж. Усмон Азим шеъриятида бадиий тафаккур. –Тошкент, 2012; С.Умирова. Ўзбек шеъриятида лингвистик воситалар ва поэтик индивидуаллик (Усмон Азим шеърияти мисолида). Фил.фан.фал.док.дис. – Самарқанд, 2019.

⁵ Давронова М. Ўзбек шеъриятида индивидуал услуб поэтикаси (Усмон Азим, Икбол Мирзо, Фахриёр ва Абдували Қутбиддин шеърияти мисолида). Фил.фан.док.дис. – Самарқанд, 2021.

хусусиятларини тадқиқ этган. М.Давронова диссертациясининг бир қисми сифатида Усмон Азимнинг услуб поэтикасини ишлаган. Ушбу тадқиқотларни Усмон Азим ижоди тадқиқи бўйича дастлабки қадамлар деб баҳолаш мумкин. Лекин Усмон Азим ижодида энг катта ўрин тутган инсон ва табиат муаммоси, табиат манзараси тасвири асносида ижодкорнинг бадиий-услубий тамойиллари етарлича очиб берилмаган. XX аср ўзбек шеърляти манзараларига бағишланган тадқиқотлар ва суҳбатларда ҳам шоир ижодининг маълум бир қирраси ҳақида сўз юритилган бўлиб, Усмон Азим ижодидаги умумий пейзаж типологияси ҳақида деярли сўз айтилмаган ⁶.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қўқон давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб масалалари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Усмон Азим шеърлятида пейзаж тасвирининг бадиий ифодада тутган ижтимоий, ахлоқий, маънавий ўрни ҳамда табиат ҳодисалари билан боғлиқ фасллар, ойлар, ўсимликлар дунёси, сув, ҳаво, ой, куёш, иқлим ўзгаришлари каби тушунчалар ва унсурларнинг шоирнинг эстетик ҳамда адабий-фалсафий дунёқараши шаклланишидаги аҳамиятини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Усмон Азим шеърлятини пейзаж типологияси бўйича таҳлил этиш, пейзаж ҳақидаги назарий хулосаларни замонавий ўзбек шеърлятига татбиқ қилиш усулларини белгилаш;

балладаларда “шаҳар” пейзажи, бахшиёна шеърларда “тоғ” ва “дашт” пейзажининг шоир ифодалаган бадиий-ғоявий мазмунга таъсирини ўрганиш;

Усмон Азим ижодида энг кўп қўлланиладиган “куз” пейзажининг образлар тизими ва символикаси, поэтик талқинини ўрганиш;

табиат унсурларининг лирик қаҳрамон кечинмаларини кўрсатиш ҳамда бадиий матннинг ғоявий-эстетик мазмун-моҳиятини очиб беришдаги роли ва аҳамиятини белгилаш;

⁶ Шарафиддинов О. Талант – халқ мулки. –Тошкент, 1979; Ғафуров И. Оҳанграбо қаерда?// Ўзбекистон маданияти. 1979 йил, 13 февраль; Шукуров Н. Сўз сеҳри шеър меҳри. - Самарқанд, 1992; Ҳаққулов И. Ғуссали юрак – ёлқинли юрак// Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1996 йил, 11 октябрь; Хуршид Даврон. Бўлар элнинг шоири// Туркистон газетаси, 1996 йил, 12 октябрь; Салим Ашур. Ўзгараётган бадиий тафаккур// Ёзувчи, 1997 йил, 30 июль; Хайитов А. 90 - йиллар ёшлар шеърлятида анъанавий ва шаклий изланишлар. Фил.фан номзоди дис. –Тошкент, 2003; Йўлдошева М. Ўзбек модерн шеърлятининг асосий хусусиятлари. Фил.фан.ном.дисс. авт. –Тошкент, 2004; Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. –Тошкент, 2006; Норматов У. Ижод сеҳри. - Т, 2007; Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърляти. –Тошкент, 2007; Ҳамдам У. Янгиланиш эҳтиёжи. –Тошкент, 2007; Абдуллаев А. Шеъримда узоқ бир ишқнинг шарҳи бор // “Шарқ юлдузи” журнали, 2010 йил 1-сон; Ризаев Ш.Қийноқ, сенга бўлсин, шараф// Шарқ юлдузи, 2010 йил 6-сон; Умутов Х. Эҳтиёж тафти. Самарқанд, 2011; Умутов Х. Тирик шеърлар поэтикаси. - Самарқанд, 2016; Сабирдинов А. Маънавият ва маърифат чашмалари. –Тошкент: Akademnashr, 2016; Адабиёт – Ватандай муқаддас. Шоир Усмон Азим билан суҳбат // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2018, 9- ноябрь; Холова М. Ўзбек модерн шеърляти поэтикаси. Фил.фан.бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс.авт. - Фарғона, 2018; Давронова М. Усмон Азимнинг интеллектуал шеърляри хусусида// Ўзбек тили ва адабиёти, 2019, 2-сон; Солижонов Й. Ҳозирги ўзбек лирикаси // Адабиёт хиббони. - Фарғона, 2020. –Б. 11.

Усмон Азим шеърлярида табиат унсурлари, манзараларнинг образ ва рамзларга айланиш тамойилларини аниқлаш ва бу бўйича хулосаларни бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Усмон Азимнинг “Сайланма”, “Юрак”, “Куз”, “Жимлик” ва “Танланган асарлар” шеърій китоблари танланган, шунингдек, Усмон Азимнинг “Фонус”, “Коллаж” ҳамда драматик ва насрий асарларига мурожаат қилинган.

Тадқиқотнинг предметини пейзаж типологияси, пейзажнинг назарий қонуниятлари, табиат манзараси тасвирининг Усмон Азим бадиий-ғоявий концепциясидаги поэтик аҳамияти, мумтоз адабиётда учрайдиган пейзаж унсурларини замонавий шеърят билан муқоясаси, пейзажнинг тадрижий тақомили ҳамда бадиий тамойиллари тадқиқи ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда биографик, социологик, қиёсий-типологик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пейзаж, яъни табиат тушунчасининг лирикадаги тасвир кўлами, таносуб, ташбеҳ, тазод, ружуъ, муболаға каби шеърій санъатларнинг ифода имкониятлари, параллелизм, кўчим сингари бадиий тамойиллари, китобхоннинг руҳий-маънавий оламига эстетик таъсири, шеърій матн мазмунини юзага чиқарувчи дарахт, сув, тоғ, тун, тонг каби қатор образларнинг назарий жиҳатлари асосида очиб берилган;

пейзажнинг ижтимоий, ахлоқий, фалсафий тамойилларини аниқлаш чакмоқ, ёмғир, қор, булут, изғирин, саратон иссиғи каби турли-туман табиат ҳодисаларининг бадиийлаштириш қонуниятларини тушуниш учун муҳим саналиши, ҳар бир ижодкорнинг индивидуал “нигоҳ”и: табиатни кўриш, кузатиш, идрок қилиш ва образли тафаккурда жонлантириш хусусияти унинг янгилашини таъминлаши ойдинлаштирилган;

Усмон Азим шеърлярида пейзажнинг юзага келиш макони ва содир бўлиш замониға кўра мавсумий пейзаж тури, миллийлик, умумбашарийлик, замонавийлик каби мавзуларига кўра миллийликни ифодаловчи пейзаж тури кўзға кўпроқ ташланиши; шоир ижодида “куз”, “баҳор”, “қиш”, “ёз”, “хут”, “жавзо”, “ҳамал”, “қаҳратон” каби йил фаслларига доир мавсумий пейзажлар етакчилик қилиши; шоир қўллаган миллий пейзажларнинг марказида “Бойсун” топоними туриши, Бойсун тоғлари, қир-адирлари, сойлари, жилғалари, йўллари билан боғлиқ табиат манзаралари шоирнинг ғоявий-бадиий концепциясини бойитиши лирик пафосни кўтаришда асосий омил экани далилланган;

Усмон Азим шеърлярида она ватан, юрт, одамлар тақдирининг табиат ҳодисалари билан боғлиқликда талқин этилиши, лирик қаҳрамоннинг қувноқ, сокин, ғамгин, жўшқин характерини ифодалашда табиат манзаралари эстетик категория сифатида намоён бўлиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Усмон Азим шеърлярида табиат манзаралари тасвири ва пейзажнинг ўрни ҳақида яхлит ва тизимли илмий-назарий қарашлар шакллантирилган;

пейзажнинг ўзбек адабиётшунослигида ижодкорнинг ижтимоий-фалсафий дунёқарашини даражалашдаги функцияси тадқиқ объекти сифатида белгиланган;

Усмон Азимнинг балладаларида “шаҳар” пейзажининг, бахшиёна шеърларда “тоғ” ва “дашт” пейзажининг, ижодининг умумруҳида “куз” пейзажининг роли ва аҳамияти тадқиқ этилган;

Усмон Азимнинг ижтимоий-фалсафий, бадий-эстетик қарашлари, ижодий тамойиллари шаклланишида инсон ва табиат муносабатларининг таъсири ўрганилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот юзасидан чиқарилган хулосалар тадқиқотчи томонидан эълон қилинган илмий ишларда ўз ифодасини топганлиги ҳамда бу хулосалар илмий жамоатчилик томонидан ижобий баҳоланганлиги, аниқ қўйилган муаммо эмпирик-назарий ва таҳлилий-қиёсий усуллар ёрдамида ечилганлиги тадқиқот натижаларининг ишончлилигини белгилайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, диссертацияда келтирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлар истиқлол даври ўзбек адабиётшунослигида эришилган илмий-назарий фикрларни тўлдиради; адабиётшуносликка оид луғатлар ва қўлланмаларни тайёрлашда манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация материаллари ва хулосаларидан “Адабиёт назарияси”, “XX аср ўзбек адабиёти”, “Қиёсий адабиётшунослик”, “Ҳозирги адабий жараён” каби фанлардан маъруза ва семинар машғулотларини ўтказишда, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Усмон Азим шеърлятидаги пейзаж типологиясини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

пейзаж, яъни табиат тушунчасининг лирикадаги тасвир қўлами, таносуб, ташбеҳ, тазод, ружуъ, муболаға каби шеърлий санъатларнинг ифода имкониятлари, параллелизм, кўчим сингари бадий тамойиллари, китобхоннинг рухий-маънавий оламига эстетик таъсири, шеърлий матн мазмунини юзага чиқарувчи дарахт, сув, тоғ, тун, тонг каби қатор образларнинг назарий қонуниятлари мумтоз адабиётимиздан то бугунги замонавий шеърлятгача яратилган лирик асарлар мисолида очиб берилган такифлар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошидаги “Онажоним – шеърлят” ижодий тўғарагидаги ёш ижодкорларга пейзаж тушунчасининг бадий тамойиллари, қамрови ва қўлами, назарий қонуниятлари, вазифаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2022 йил 5 июлдаги 01-03/874-сон маълумотномаси). Натижалар ёш ижодкорларнинг миллий шеърлятимизда кечган поэтик янгиланиш жараёнлари ҳақидаги тасавурлари кенгайгайишига ва китобхонлик маданияти юксалишига хизмат қилган;

пейзажнинг ижтимоий, ахлоқий, фалсафий тамойилларини аниқлаш чакмоқ, ёмғир, қор, булут, изғирин, саратон иссиғи каби турли-туман табиат

ходисаларининг бадийлаштириш қонуниятларини тушуниш учун муҳим саналиши, ҳар бир ижодкорнинг индивидуал “нигоҳ”и: табиатни кўриш, кузатиш, идрок қилиш ва образли тафаккурда жонлантириш хусусияти унинг янгиланувини таъминлаши ойдинлаштирилган таклифлар Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган (2017-2020 йй.) ОТ-Ф1-77 рақамли “Ўзбек адабиёти дурдоналари» 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш» фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (ЎЗР Фанлар академиясининг 2022 йил 4 августдаги 3/1255-1884-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек шеърлятида пейзаж ва унинг турларига оид қарашлар илмий жиҳатдан бойиган;

Усмон Азим шеърлятида пейзажнинг юзага келиш макони ва содир бўлиш замонига кўра мавсумий пейзаж тури, миллийлик, умумбашарийлик, замонавийлик каби мавзу кўламига кўра миллийликни ифодаловчи пейзаж тури кўзга кўпроқ ташланиши, шоир ижодида “куз”, “баҳор”, “қиш”, “ёз”, “хут”, “жавзо”, “ҳамал”, “қаҳратон” каби йил фаслларига доир мавсумий пейзажлар етакчилик қилиши; шоир қўллаган миллий пейзажларнинг марказида “Бойсун” топоними туриши, Бойсун тоғлари, қир-адирлари, сойлари, жилғалари, йўллари билан боғлиқ табиат манзаралари шоирнинг ғоявий-бадий концепциясини бойитиши лирик пафосни кўтаришда асосий омил экани далилланган; Усмон Азим шеърларида ватан, юрт, одамлар тақдирининг табиат ходисалари билан боғлиқликда талқин этилиши, лирик қаҳрамоннинг турли: қувноқ, сокин, ғамгин, жўшқин характерини ифодалашда табиат манзаралари эстетик категория сифатида намоён бўлиши асосланган таклифлар Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телерадиоканалининг “Бедорлик”, “Маърифий суҳбатлар” “Ғазал бўстони” номли илмий-маърифий эшиттиришларида фойдаланилган (“Ўзбекистон” телерадиоканалининг 2022 йил 17 июндаги 04-36-939-сон маълумотномаси). Натижада тингловчиларда ҳозирги адабий жараён ва унда Усмон Азимнинг тутган ўрни ҳақида яхлит тасаввур пайдо бўлган, эшиттириш сценарийлари илмий ва маърифий жиҳатдан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот иши Қўқон давлат педагогика институти, ўзбек адабиёти кафедрасида муҳокама қилиниб, тугалланган иш сифатида ҳимояга тавсия этилган (2022 йил 22 июнь).

Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 9 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, улардан 3 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 150 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўзбек адабиёти тарихида пейзажнинг бадиий-эстетик негизлари”** деб номланган биринчи бобида пейзажнинг адабий термин сифатида назарий қонуниятлари ва таснифлари, пейзажнинг ўзбек мумтоз адабиётида учрайдиган айрим унсурлари, замонавий ўзбек адабиётида пейзаж тадрижи ва такомил масаласи ўрганилган.

“Мумтоз адабиётда пейзаж унсурлари” номли биринчи фаслда мумтоз адабиётимизда пейзаж унсурларининг шеърий санъатлар яратишдаги аҳамияти, лирик қаҳрамон (Ошиқ) ва Ёрни ҳам зоҳирий, ҳам ботиний тарафдан поэтик тасвирлашда асосий манба сифатида намоён бўлиши далилланган.

Мумтоз адабиётда табиат тасвирига кенг ўрин ажратилган. Гарчи пейзажлар шоир ижодининг фалсафий моҳиятини белгилашда етакчилик қилмаса-да, кўп ўринларда муаллифнинг ғояси билан бевосита боғланиб келади. Илк бадиий дoston ҳисобланган Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асридаги 58 байтдан иборат баҳор мадҳига бағишланган ўринларнинг ўзиёқ қадимги туркий адабиётда пейзажнинг гўзал намуналари яратилганлигига далил бўла олади. “Юсуф Хос Ҳожиб “табиатдаги бу ўзгариш, уйғониш, жонланишни турк эли тақдирига кўчиради, боғлайди ва бу уйғониш, ўзгариш турк элининг уйғониши, унинг гуллаб яшнаши деган фикрни илгари суради”.⁷

XIV-XV асрнинг пешқадам шоирлари – Атойи, Саккокий, Лутфий, Ҳофиз Хоразмий ижодида пейзаж унсурларини кўп учратишимиз мумкин. Уларни бирлаштирувчи ва умумлаштирувчи жиҳати – пейзаж унсурларининг кўчимни ҳосил қилишда иштирокидир. Бу воситалар асарларнинг бадиийлигини ошириб, шеърий санъатларни пайдо қилишда ҳам бевосита хизмат қилади.

“Дунёнинг, инсон умрининг, гўзалликнинг моҳиятини англаш истагида туғилган Навоий ғазалларида ҳам табиат – сирлар, истагу имконлар макони. Коинотнинг энг улкан жисмлари – қуёш, ой, сайёралар, буржлардан энг майда заррагача, камалакнинг жилосию энди униб чиқаётган майса устида титраб турган шудрингга қадар – ҳамма-ҳаммаси шоир қаламида янгидан ҳаёт топади”⁸. Навоийнинг биргина “Ғунчайи хандон била ҳуснунг гули

⁷ Каримов Қ. Илк бадиий дoston. –Тошкент: Фан, 1976. –Б. 158.

⁸ Муллахўжаева К.Алишер Навоий ғазалиётида тасаввуфий тимсол ва бадиий санъатлар уйғунлиги. – Тошкент: Akademnashr, 2019. –Б. 137.

хуррам баҳор”⁹ деб бошланувчи ғазалида пейзаж унсурлари лирик қаҳрамоннинг ички туйғулари ифодасига ва ахлоқий қарашлари ифодасига хизмат қилган: ёрнинг гўзал чеҳраси баҳорга, лаблари устидаги майин туклар майсага, ошиқнинг оху нолалари баҳорги ел-ёғинга, чеҳраси баҳор фаслида ҳам сарғайган баргга ташбеҳ қилинади. Ғазал мақтаёсида табиат гўзаллиги яъни баҳор фасли ва табиий гўзаллик – инсоннинг ёшлигидаги кўрки ва жамолидан ҳам гўзалроқ, хазон билмас бошқа чин баҳор борлиги ҳақида сўз боради. Бу – хулқ баҳори. Гўзал хулқ эгасининг суҳбати ва дийдоридан кўнгиллар яшнайдилар. Навоий кўтаринки руҳ билан ғазални яқунлайди: Агар баҳорда суратию сийрати гўзал ёр дийдори насиб этса, бундан ортиқ бахт борми?

Эй Навоий, чин баҳор эркин бу ёхуд кўргузур,
Боғи хулқидин улусқа довари аъзам баҳор.

XVIII-XIX асрлар адабиётида пейзаждан бирмунча кўп фойдаланилган. Жумладан, Амирий, Огаҳий, Фурқат, Муқимий ижодида соф пейзаж лирикасига мансуб, қиш ва баҳор фасли, табиат ўзгариши тасвирланган шеърлар кўп учрайди. Хусни таълил, тамсил, ташбеҳ, ташхис каби бадиий санъатларни пейзаж унсурларисиз тасаввур этиш мушкул. Шу ўринда қайд қилиш лозимки, Шарқ поэтик тафаккурида табиатнинг тўрт асосий унсури: сув, ҳаво, қуёш ва тупроқ етакчи ўринни эгаллайди. Борлиқни тўрт унсур ушлаб туради, кун-тун алмашиши, тириклик, ҳайвоноту набототнинг мавжудлиги ҳам шу тўрт унсурнинг борлиги билан сифатланади.

“XX аср шеърлятида пейзажнинг бадиий-эстетик асослари” деб номланган иккинчи фаслда XX аср замонавий ўзбек шеърлятида, ижтимоий воқелиқни ўзига хос йўсинда шеърлий талқин этиш, шу орқали замон ҳодисалари ва инсон руҳиятининг бошқалар назарида кўринмайдиган, муайян маънода тақиқланган қатламларини пейзаж орқали, хусусан, табиат унсурлари воситасида ҳосил қилинган турли мажозий тимсоллар, образлар ёрдамида очиш тамойили кўзга ташланиши асосланган.

XX асрга келиб, ўзбек шеърлятидаги пейзаж ижтимоий-психологик мотивни англантишда кўмаклашувчи воситага айланди. Лекин соф табиат лирикаси ҳам унутилгани йўқ. Чўлпон ижодида тўлалигича табиат манзарасига бағишланган шеърлар кўпчилиқни ташкил этади Айниқса, Ойбек шеърляти соф пейзаж лирикасига далил бўла олади. Ҳамид Олимжонда ҳам табиат тасвирлари етакчи ўринни эгаллайди.

60-70 йиллар шеърлятида пейзаж ижтимоийлик касб этган бўлса-да, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Рауф Парфи шеърлятида соф пейзаж лирикаси акс этди. Табиат тасвирлари кўпинча шоир ва ёзувчиларнинг ватанпарварлик туйғуларининг ифодаси бўлиб хизмат қилди. Абдулла Орипов “тонг”, “баҳор” пейзажларини умид, янгиланиш, нажот маъносига қўлласса, “адир”, “тупроқ”, “дашт” пейзажлари орқали ватан суратини чизмоқчи бўлади. “Давр тақозосига кўра шеърлят ҳам вақти-вақти билан

⁹ Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. – Б. 176.

ранг-баранг шаклларда ҳосил бера бошлайди”¹⁰. 80-90 йиллар лирик қаҳрамони замона ва замондошларига табиат манзаралари нигоҳи билан боқа бошлади, шеърятда инсон ва табиат ўртасида ўзига хос алоқа – робита пайдо бўлди. Бу алоқа лирик қаҳрамон қиёфасини поэтик мукаммалаштирди. Лириканинг янги қаҳрамони – табиат муаммолари билан узвий тарзда инсоний муаммоларни манзара лирикасидаги синтезлашган қиёфаси пайдо бўлди. Бу давр шоирлари тийнатидаги фавқуллодда жўшқинлик, шиддат ва кескирлик ўз ўрнида пейзаж лирикаси қаҳрамонга ҳам кўчди. У нафақат интеллектуал даражаси кенг инсон сифатида, балки жамият муаммоларига, шу билан бирга, инсоний туйғуларга ҳам бефарқ бўлмаган инсон сифатида дунёга келди.

Пейзаж лирикасининг образлар олами кенг ва ранг-барангдир. Масалан, анаънавий “дарахт” ва “тоғ” образларини одатда, дарахт – мағрурлик, тоғ – сабр тарзида қўллаш мавжуд. Кўпчилик ижодкорларда эса дарахт, масалан, бир ўринда жабрдийда (Шавкат Раҳмон) этиб тасвирланса, бир ўринда замонадан ортда қолган одам (Усмон Азим) каби ифодаланган. Тоғ эса нимжон (Хуршид Даврон), ёлғизлик (Азим Суюн) каби маъноларда талқин этилади. Бу давр шоирларининг мажозий-аллегорик тимсоллар орқали инсон руҳиятининг энг чуқур, энг теран қатламларини таҳлил этиши, оддий “тўрғай”лар, “бедана”лар, “акула”лар, “суварак”лар ҳақида ёза туриб жамиятдаги ва инсонлардаги иллатларни фош этиши янги адабий ҳодиса эди. Шавкат Раҳмоннинг манзара шеърлари табиат лавҳаларининг кинофильмлардаги ифодасига ҳам ўхшаб кетади. Унинг шеърларида, “Боғлар сапчиб сесканади”, узум ҳолсизланади, ёмғирнинг ёғиши “Осмоннинг тақинчоқ марваридлари” узилиб кетганига ўхшатилади. Ёмғирда чайқалаётган қизғалдоқлар «Бир-бирига тегиб жим жаранглайди». Шавкат Раҳмон, Рауф Парфи, Усмон Азим каби шоирларнинг шеърларидаги жонсиз нарсаларни жонлантириб берилиши ўзига хос санъат бўлиб, бу ҳол ўзбек шеърлятида Шарқ ва Ғарб шоирларининг анъаналари янгича йўсинда давом эттирилганини кўрсатади.

Бобнинг **“Пейзаж типлари ва бадий функциялари”** фаслида Эпштейн илгари сурган пейзажнинг назарий тамойилларига таяниб, турли асосларга кўра таснифлаш мумкинлиги ёритилган.¹¹

“Пейзаж – одамнинг ўзини ўраб турган табиий муҳити ва ҳар қандай очиқ майдоннинг тасвиридир”.¹² “Бадий асардаги табиат тасвири пейзаж (манзара) деб аталади. Табиат тасвири сюжетнинг таркибий қисмларидан бири бўлиб, асарнинг ғоявий-эстетик қувватини оширади”¹³. “Пейзаж адабий асарда яратилувчи бадий воқеликнинг муҳим компоненти, воқеалар кечувчи очиқ майдон тасвири” сифатида ҳам талқин этилади¹⁴.

¹⁰ Солижонов Й. Лирика латофати, насрнинг назокати. –Тошкент: Адабиёт учқунлари, 2018. –Б. 7-8.

¹¹ Эпштейн М.Н. Природа, мир, тайник вселенной. Москва:Высшая школа, 1990. –Ст.130.

¹² Литературная энциклопедия терминов и понятий. Москва. НПК “Интелвак”, 2001. –Ст.732

¹³ Султон И. Адабиёт назарияси. –Тошкент, Ўқитувчи, 2005. –Б. 116.

¹⁴ Куронов Д, Мамажонов З, Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. –Тошкент: Akademnashr, 2010. –Б. 220.

Пейзажларнинг энг урф бўлган таснифлаш йўсини бу **замон билан маконга кўра** фарқланувчи мавсумий ва ландшафт пейзажлари классификациясидир. Мавсумий пейзаж табиатнинг замонини ифода этиб, фасллар (қиш, баҳор, ёз, куз) ёки буржлардан (сунбула, ҳамал, ҳут, ақраб ва хоказо) таркиб топади. Ландшафт пейзажи эса бевосита макон тушунчасини билдириб, ўз ичига дашт, тоғ, тепа, водий, сахро каби рельефларни қамраб олади. Бунда пейзаж табиатнинг маълум бир маконини акс эттиради. Пейзажларнинг **даражаси ва кўламига кўра** таснифи ҳам мавжуд бўлиб, бу таснифга кўра даставвал маҳаллий пейзажлар тилга олинади, маҳаллий пейзажлар ижодкорнинг ўзи билган, кўрган, туғилган, ўсиб-улғайган кичик ва тор географик макон табиатининг тасвирини ўз ичига олади. Маҳаллий пейзажларга параллел тур сифатида экзотик пейзажлар, яъни маълум бир халқ шеърятини учун ғайриоддий макон сифатида қабул қилинадиган пейзажлар киради. Ушбу таснифнинг яна бир тури миллий пейзажлар бўлиб, миллий пейзажлар шоир мансуб бўлган мамлакат табиатининг умумлаштирилган тасвири ҳисобланади. Шунингдек, пейзажнинг сайёравий ва космик турлари ҳам мавжуд бўлиб, бу турдаги пейзажларда табиатни кўриш масштаби кенгаяди, шоир ўз ғояларини нафақат Ер сайёраси, балки, бутун коинотга тегишли деб билганини англатади. Пейзажларнинг **жанр ва услуб жиҳатидан** ҳам улуғвор ёки мўжаз, шовқинли ёки сокин, сирли ёки аниқ тарзида таснифи ҳам мавжуд. Фантастик пейзажлар ҳам мавжуд бўлиб, уларда бизнинг оламимиздан бошқа оламлар, мангулик, Коинот ҳаётидаги ҳалокатли катаклизмлар, табиатнинг эврилиши каби ҳодисотлар акс этади. Бундай пейзажлар кўпинча идеал фаровон жамият, инсоният келажаги ҳақидаги утопик ғоялар билан бевосита боғлиқ бўлади.

Пейзаж полифункционал бўлиб, адабиётшунос Себинага кўра пейзаж ҳаракат жойи ва вақтини белгилайди, сюжет мотивацияси вазифасини бажаради, психологизмни яратиш ва муаллифнинг субъектив режасининг намоён бўлишига хизмат қилади¹⁵. М.Султонова эса “Пейзаж санъати” китобида асосан пейзажнинг воқелар кечадиган макон ва қаҳрамон рухий оламини кўрсатиш каби икки вазифасини Ойбекнинг “Навойи”, О.Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” ва П.Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романлари мисолида ёритади¹⁶.

Умуман олганда, пейзаж бажаридиган вазифаларни қуйидагича тасниф этиш мумкин: пейзаж лирик қаҳрамон образини яратишга ҳисса қўшади; адабий маконнинг гўзалликлари, хос манзараларини тасвирлаш воситаси сифатида ишлатилади; жой ва ҳаракат билан бевосита боғлиқ бўлган фон вазифасини бажаради; психологик хусусиятга эга: қаҳрамонларнинг ҳиссий ҳолатини йўлга қўяди ёки кечинмаларига бадиий урғу беради; ёзувчининг фалсафий мулоҳазалари манбаи бўлиб хизмат қилади; ҳаётнинг ижтимоий

¹⁵ Фейсенко.Э.Я. Теория литературы. – Москва: Мир, 2008.– С.17.

¹⁶ Султонова М.Пейзаж санъати. – Тошкент: Фан, 1983.

зиддиятларини тавсифлаш воситаси бўлиб хизмат қилади; рамзий маънога эга бўлиб, бадиий асарнинг символик хусусиятларини кучайтиришга ҳисса қўшади.

Пейзаж адабий асарнинг турига қараб, фарқли вазифаларни бажаришга хизмат қилиши ҳам мумкин. Шеърӣ асарларда лирик қаҳрамоннинг нуқтаи назари, кайфияти, руҳий манзарасини тасвирлашда ва қолаверса, лирик воқелик тегишли бўлган маконни англатишда муҳим ўрин тутади. Насрий асарларда эса пейзаж асарнинг замони ва маконини кўрсатиш билан бирга, воқеликнинг конкретлик хусусиятини оширади ва қаҳрамонларнинг характерини ўқувчига яққолроқ кўрсатишда дастак вазифасини бажаради. “Драматик асарларда фақат шартли равишдагина пейзаж ҳақида гапириш мумкин”¹⁷.

Диссертациянинг иккинчи бобида **“Усмон Азим пейзажларининг поэтик-онтологик асослари”** ни халқ оғзаки ижоди, мумтоз адабиёт ва жаҳон адабиёти дурдоналари ташкил этиши ҳақида фикр юритилган. **“Балладаларда шаҳар пейзажи”** фаслида муаммо “Дераза ҳақида баллада” “Буюмлар ҳақида баллада”, “Автомобил ҳақида баллада”, “Декабр балладаси”, “Ёмғир ҳақида баллада”, “Булбулга айланган одам ҳақида баллада” каби асарлар мисолида ёритилган.

Ўзбек шеърӣятида баллада жанрида энг сермахсул ижод қилган шоир бу Усмон Азимдир. Балладаларда юксак драматизм, шоирнинг асов туйғулари ва озод руҳни кўрамыз.

Шоирнинг “Дашт ҳақида баллада” шеърӣида қишлоқдан шаҳарга бир олам орзулар билан келган ҳар бир қишлоқлик инсоннинг туйғулари ифодаланган:

Тоғлар кичрайди. Пасайди осмон.
Яшаб бўлмайдик-ку ахир энгашиб ...
Жўнадим баландлироқ осмонлар тамон-
Ортимдан Бойсуннинг дашти эргашди.¹⁸

Жамият беғубор юракни ўтмаслаштириб юборади. Натижада ўз киндик қони тўкилган тупроқдан узоқлашиш бошланади. Шоир “Дашт ҳақида баллада” шеърӣида зиёли зотининг ана шу фожиасини очиб беради.

Усмон Азим балладаларида шаҳар пейзажини яратишда “девор”, “автолар”, “дераза”, “ҳиёбон”, “сершовқин йўл”, “ёмғир”, “ичкаридаги одам”, “телефон” каби деталлардан унумли фойдаланади. Ушбу деталлар лирик қаҳрамонни шаҳар ичида юрганини, шоирнинг кенгликлар тусаган кўнгли тор шаҳарга сиғмай бораётганини англатади. Декабр ҳам, автомобил ҳам, дераза ҳам метаморфозани бошдан кечириб, икки қўл, икки оёқли, онгли, туйғули мавжудотга – инсонга эврилади. Шаҳар манзараси Усмон Азим балладаларида етакчи унсур эмас, балки оғир зиддиятлар домида қолган лирик қаҳрамоннинг кайфияти, руҳияти, оғриқ изтиробларининг яхлит манзарасини кўрсатишга хизмат қилувчи деталлардир.

¹⁷ Қуроноф Д, Мамажонов З, Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. –Тошкент, 2010. –Б.221.

¹⁸ Усмон Азим. Сайланма. –Тошкент.: Шарқ, 1995. –Б. 54.

Иккинчи фаслда “Бахшиёна шеърларда тоғ ва дашт пейзажлари” таҳлил қилинган. Усмон Азимнинг болаликда кўрган-кечирганлари, Сурхондарёдаги бахшилар беллашуви, кўпкари, кураш сингари урф-одатлар, болалик хотиралари унинг ижодкор сифатида шахсиятини, эътиқоди ва дунёқарашини шакллантирганлиги табиий. Шоирнинг бахшиёналари туркум халқ дostonларининг ритми, оҳанги ва сюжетларини ёдга солади. Уларнинг марказида – Элбек бахши образи туради. Ундан ташқари унинг шоғирди Эломон, севгилиси Ойтуман, Оқботир, Қоработир, Менглиёз ва Норбиби, Жонқобил ва Гулкелар образлари ҳам бор. Бахшиёналарнинг тузилиши ҳам дostonларга ўхшайди: ҳар бир бахшиёнанинг прологиди насрий усулда қисқа изоҳ келтирилади. Кейин воқеликка мос шеър келади. Дostonларда “шунда ...нинг ...га қараб айтиб турган жойи экан”, деган қолип учрайди. Усмон Азим бахшиёналарида энг кўп “тоғ” ва “дашт” пейзажидан фойдаланади.

Туя боқдим, товонларим ғижжа тикан,
Сен келмасанг Асқартоғ ҳам чўкадиган.¹⁹

Ушбу шеърини парчада шоир “Алпомиш” дostonидаги мотивлардан фойдаланган ҳолда ўз ғоясини ифода этади. Қалдирғочойим туя боқиб туриб, Алпомишнинг Кўнғиротга қайтмаганидан куйиб, ичкиб, шу шеърни айтади. Шоир Алпомишнинг қайтмаслиги бутун юрт учун оғир юк бўлишини “Асқартоғ” (тоғ пейзажи)ни чўкишига ўхшатади. Шеърни эса “ҳар бир элга бир эр йигит керак экан”, дея хулосалайди.

Шеърлари мантиқли ва образли ифодаларга бой шоирнинг ўзи ҳам айна дамда донишманд, ҳаётини тажрибаларга эга бўлган файласуф сифатида намоён бўлади. Унинг шеърини мисраларида фалсафий хулосалар қаймоғи бўлган фикрлар кўп учрайди:

Тошдаймас, тоғдай бўлгин,
Қоянда қуш уйғонсин.
Элинг сенга қоқилмасин,
Элинг сенга суянсин.²⁰

Бахшиёналарда асосий ғоя – юртни ардоқлаш, мардликни улуғлаш, эр йигитнинг тарбияси ҳамда дунёнинг маккор ўйинларини англашга даъватдир.

“Моҳиятга кўра ғоя кўпинча табиатда намоён бўлади”.²¹ Шоир табиатдан кутилмаган манбалар, шаффоф туйғулар топади. Шу боис пейзаж ва шеърини қадимдан то ҳозирга қадар эгизак тушунча сифатида талқин этилади.

Бахшиёналарда “Бойсун” адабий макони пейзажларнинг бош манбаси бўлиб хизмат қилади. Дашт бу – ватаннинг бир парчаси, Бойсуннинг бир тимсоли, болаликнинг гўзал ёди. Ушбу шеърларда учрайдиган “дашт”, “тоғ”, “қир”, “адир”, “қизғалдоқзор”, “боғ”, “дарахт”, “тош”, “шамол” каби пейзаж унсурлари бевосита Бойсун табиатига алоқадор эканини сезиш қийин эмас. “Дарёдай озод оқиш”, “ойдай эркин боқиш”, “шамолдай озод кезиш”, “ҳас каби қалтирамаслик”, “саратонда дарахт каби соя бўлиш”, “қарға қошида

¹⁹ Усмон Азим. Танланган асарлар. 1 жилд. –Тошкент.: Фафур Гулом номидаги НМИУ, 2016. –Б. 326.

²⁰ Ўша манба.– Б. 327.

²¹ Гегел Г.Ф. Эстетика. в.4т. – Москва, 1968. – С.127.

қарға бўлиб сайрамаслик”, “булбулдай жон ўрташ”, “тоғдан қаттиқ пешона” каби поэтик бирикмалар шоир бахшиёна шеърларидаги озод ва бўйсунмас руҳни табиатдан олганини далиллайди.

Шом чоғи юлдузлик бахти бор,
Соғинчда ёлғизлик бахти бор.
Ҳасратда қўшиғим гуллади,
Шу гулга илдизлик бахти бор.²²

Ушбу иқроқ Усмон Азимнинг шеърга хос барча бадий хусусиятлар, шеърини санъатларни табиатдан олишига, ўзи эса табиатнинг синчков кузатувчиси эканига мисол бўла олади.

Бобнинг учинчи фасли “Усмон Азим шеърлятида куз мотиви”га бағишланган. Усмон Азим шеърларида фасллар алоҳида ўрин эгаллайди. Шоир “Сайланма”си да баҳор ҳақида 47, ёз ҳақида 25, куз ҳақида 67, қиш ҳақида 30 та шеър киритилган. Кўринадики, фасллар ичида энг асосий образ бу “куз” образидир. Шоир ижодининг ўзак моҳиятини куз фалсафаси ташкил этади. Инсон умрини йил фаслларига нисбат бериб тасвирлаш анъанаси мумтоз адабиётимизга хос хусусиятдир. Бу анъананинг энг яхши намунаси Алишер Навоийнинг “Ҳазойин ул-маъоний” девони ҳисобланади. Маълумки, Навоий инсон умрини йилнинг тўрт фаслига кўра тартиб билан баҳор, ёз, куз ва қиш тарзида белгилаган. Усмон Азим бу силсилани баҳордан эмас, қишдан бошлайди. Шоир қиш манзараларидан кўпроқ болаликни тасвирлаганда фойдаланади. “Бироқ шуниси аниқки, шоир учун куз шунчаки табиатнинг олтин фасли эмас, балки висол онларини кутиб сарғайган севги, умр дафтارينинг заъфарон варақлари, қиш олдидан изҳор қилинаётган тазарруъ фасли бўлиб кўринади”.²³

Канадалик адабиётшунос Нортроп Фрайга кўра табиатнинг уйғониши баҳор билан, кескинлиги ёз билан, фожиаси куз билан, сукунати қиш билан чамбарчас боғлиқ.²⁴ Бундай турдаги ўзига хос муносабатларни аниқ ва доимий деб баҳолаш қийин, аммо эстетик категорияларнинг маълум фаслларга умумий типологик мувофиқлиги шубҳасиздир.

Тонг титрайди кеч кузакнинг кучоғида,
Юлдузларни ўчирмоқда гулгун шафақ.
Жоним, қалбим шеърлятнинг пичоғида
Замин – тилсим, осмон – тилсим... шеър – бешафқат!²⁵

Шоир ўз тасавуридаги табиат билан руҳияти уйғунлигини – “хаёлининг қанотида денгизларни кўтарганча толиб учгани”, ҳаётида юлдузларни кўп бор кўргани, “денгиздаги юлдузларни” қучгиси келгани билан ифодалайди. Шеърнинг умумқайфиятида куз мавжуд. Шундай экан, “кўк”, “замин”, “булут”, “само”, “тонг”, “шафақ”, “юлдуз”, “денгиз” каби пейзаж унсурлари “куз” пейзажига хизмат қилади. Шоир “куз”ни умрининг ҳисоб берадиган

²² Усмон Азим. Танланган асарлар. 1-жилд. –Тошкент.: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. –Б. 321

²³ Солижонов Й. Покиза ниятнинг нурли йўллари. <https://img.uforum.uz>.

²⁴ Frye N. Anatomy of Criticism. Princeton, 1967. – P. 161.

²⁵ Усмон Азим. Сайланма. Шеърлар. –Тошкент: Шарқ, 1995. –Б. 5.

они дея билади. Чексиз ҳайрат, юксак тасаввур ичида шоир “ҳали бутун рўйи жаҳон шеър бўлажак”, дея ҳайқиради. Табиат ҳақидаги тушунчаларнинг энг характерли хусусиятларини жамлаган ва мавсумий пейзажнинг аниқ тимсоли сифатида Усмон Азим шеърлятида “куз” пейзажининг аҳамияти ва поэтик юки катта. “Бу шеърлардан ҳар доим соғинч уфуради. Воқеалар рассом холстидагидек гавдалана бошлади, юракка маҳзунлик кириб келади. Соғинч ва кузни Усмон Азимдек маромига етказиб тасвирлаган шоирлар шеърлятда санокли”²⁶. Шоир тасвирлаган фаслларни ижодий умрининг бекатлари десак, бу бекатда қолиш Усмон Азимнинг лирик қаҳрамонини хушнуд этмайди. У ёзда камроқ қолишни орзу қилади. Шеърларни хронологик тартибда ўргансак, Усмон Азимнинг дастлабки шеърлярида ёзда кўпроқ қолиш, куздан кўрқув кайфияти сезилади. Шоирнинг эллик ёшдан кейин ёзган шеърлярида Куз лирик қаҳрамоннинг бирдан-бир суюнчига айланган. Усмон Азим баъзи шеърлярида ўзини “кузак”ка ўхшатади. Шоирнинг бор қайғу-изтироблари, ўтмишу бугуни, дарду оғриқлари кузда мужассам. Кузнинг “ҳазонлиғ”, “кузак”, “тийрамоҳ” сифатида ишлатилиши ҳам кўпроқ Усмон Азим услубига хос. Шоир кузнинг мумтоз номлари билан шеърнинг бадииятини янада оширади. “Поэзия тавсифлар билан эмас, балки картина ва образлар билан сўзлаши керак; поэзия буюмни тавсиф этмайди ва ундан нусха кўчирмайди, балки, уни яратади”.²⁷ Ушбу яратилган образ эса шоир илгари сураётган маълум бир ғояни ҳамда шоирнинг дунёқарашини ифода қилишда муҳим ўрин тутаяди.

Усмон Азим лирикасида кузнинг тадрижини уч босқичга бўлиб ўрганиш мумкин: кузнинг келиши, куздаги авж ҳаёт палласи, куз билан хайрлашув. Усмон Азим кўп мурожаат қиладиган “куз” тимсоли “инсоннинг ўз умр сарҳисобини қиладиган бир палла”, деб тушуниш мумкин.

Усмон Азимнинг лирик қаҳрамони инсон билан табиат руҳи уйғунлашиб кетган бир руҳ соҳиби. “Табиатда бизнинг руҳимиз йўк, лекин бизда табиат руҳи бор. Негаки борлиқнинг қонуни шундай: олий мавжудот пастроғини ўзида жамлаган бўлиши шарт. Бизнинг руҳимизда табиат билан умумийлик бор ва бу умумийлик ҳаётдир”.²⁸ Шу жиҳатдан Усмон Азимнинг куз образи акс этган шеърлярини ўқиб, ҳаётнинг маъноси, тириклик завқи, ортда қолган умр сарҳисоби, ширину аччиқ ўтган кунлар ёди ўқувчининг шуурида уйғонади.

Бобнинг сўнгги фаслида **“Миллийликни ифодалашда пейзажнинг ўрни”** ўрганилган. Шунингдек, топографик ва экзотик пейзажлар ҳақида ҳам мулоҳазалар илгани сурилган.

Пейзаж унсурлари ҳар бир жойда бир хил, масалан, Америкада ҳам, Ўзбекистонда ҳам баҳор бир хил, лекин пейзаждан фойдаланишда миллий ифода бор. “Армонсиз одам ҳақида ҳикоя” номли ушбу шеърда оддий

²⁶ Усмон Азим. Танланган асарлар. 1-жилд. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – Б. 16.

²⁷ Белинский В.Г. Танланган асарлар. – Тошкент, 1955. –Б. 213.

²⁸ Белинский В.Г. Адабий орзулар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. – Б. 95.

қишлоқ одамларининг мўъжаз ва беғубор орзулари борлигини, лекин уларни ҳаёт ўз йўриғига юргизгани – тирикчилик ташвишлари ўзи жўн бўлса ҳам бажариш имкони бўлган кичик орзуларни амалга ошишига йўл қўймаслиги акс эттирилган.

Баҳор келса подачи Болта
Сигирлар еб кетмасин деб, илк бойчечак бошида ўтираркан,
Самарқандни бир кўрмоқни истайди.
(Узоқда суворийлар уфққа от қўяр).²⁹

Баҳордан кейин ёз келади, ёз келганда подачи Болта “оши ҳалол”ини йиғиб қайтаркан, “қишлоқ кўчасида намозшом чоғи Самарқандни бир кўрсам”, деб яна хаёл суради. Кузак келганида подачи Болта “ҳувиллаб кенгайган дала қаршисида” гўёки “қанотсиз қуш каби қайғули туради” ва ҳасрат билан “Самарқандни бир кўрсам” деб пичирлайди. Қиш келганида подачи Болта “эрта тукқан шошқалоқ сигирининг бузоғи”ни олиб кираркан иссиқ уйига, “юлдузлар чарсиллаган осмон”га боқиб, “Самарқандни бир кўрсам” деб хўрсинади. Аммо ҳаёт унинг бу орзусини амалга ошишига тўсқинлик қилади.

“Подачи Болта! Бу ёруғ дунёдан армонсиз ўтди”....

(Балки “қўли тегмас” деб

Самарқанднинг ўзи келиб кетгандир подачи Болтанинг қошига...)³⁰

Шеърнинг хулосаси ниҳоятда таъсирли ва аянчли чиққан. Шоир қишлоқ одамларининг ҳаётини ушбу мўъжаз шеърда бор оғриқу изтироблари билан табиий акс эттиради. Пейзаж шоир тасвирлаган миллий ва ижтимоий воқеликнинг бир қисми сифатида асар мазмунига сингдирилган. Шеърдаги пейзажлар ўзбек қишлоқларидаги ҳаётнинг умумкартинасига ўхшайди. Чунки ўзбек оталари, оналари фарзандим деб, уйим-жойим деб ўзларининг орзуларини қурбон қилишади. Бу жонфидалик бошқа бир макон, бошқа бир миллатга хос одат дейиш мушкул.

Усмон Азим қўллайдиган миллий пейзажларнинг асосий унсурларини “тоғ”, “дашт”, “боғ”, “қир”, “адир”, “чимзор”, “қишлоқ”, “буғдойзор” каби жойлар, “хут”, “баҳор”, “куз”, “жавзо” каби мавсум номлари ташкил қилади. Шоир қўллаган миллийликни ифодаловчи пейзажларнинг марказида “Бойсун” туради. Бойсуннинг табиат манзаралари шоирнинг ғоявий-бадий концепциясини бойитиш, воқеабанд шеърларнинг тематик композициясини кучайтириш, шоир дунёқарашининг асосий моҳиятини очиш ҳамда шеър драматизмининг ошириб, лирик пафосни кўтаришда асосий ўрин тутди.

Диссертациянинг учинчи боби “Усмон Азим пейзажларида макон ва замон муносабати” тадқиқига бағишланган. Биринчи фасл “Пейзаж ва ижтимоий мотивлар” деб номланади. “Бадий замон ва макон асарнинг барча унсурларини қамраб олади. Жумладан, қаҳрамонларнинг кайфият-кечинмаларини бадий замон ва макон тасвирисиз кўрсатиб бўлмайди”.³¹ Шу жиҳатдан пейзаж бадий асардаги характерларнинг очилиши учун чексиз

²⁹ Усмон Азим. Танланган асарлар. 1 жилд. –Тошкент: Фафур Фулом номидаги НМИУ, 2016. – Б. 80-81.

³⁰ Ўша жойда.

³¹ Улуғов А. Замон ва макон мусаввири. “Шарқ юлдузи” журнали, 2015 йил, 2-сон

майдон вазифасини бажаради. Ижтимоий ҳодисаларга шоирнинг ички муносабати табиат унсурларининг образга айланиши – метаморфозаси билан англашилади. “Адабиётдаги ҳар қандай янгилик, энг аввало, унинг қаҳрамони табиатидаги ўзгаришдан бошланади. Янги қаҳрамон бу – бадиий-эстетик фикр тараққиётида навбатдаги босқич дегани. Аниқроғи, янги қаҳрамон бадиий жараёндаги сифат ўзгаришининг илк кўрсаткичи, адабий ҳаракатдаги барча тозариш ва силжишларнинг бошланғичидир”.³² Усмон Азим шеъриятида лирик қаҳрамоннинг кайфияти ва ҳаётий иқроллари шеърдан шеърга, баъзан бир шеърнинг ўзида банддан бандга ўсиб, ривожланиб, мукамаллашиб боради. Ижтимоий мотивлар шоирнинг атрофидаги конкрет воқеликка образли муносабатида акс этади. Усмон Азим шеъриятидаги кўплаб пейзажлар табиат фонида жамият ва инсон муносабатларини таҳлил этади. Жумладан, “Буюмлар ҳақида баллада” шеърида лирик қаҳрамон хона ичра бурилиб бўлмаслигини, тўрт тарафни буюм ўраб олганини айтар экан, “Оламда кезаман кўзларим хира, Теграмда айланар буюмдан қуюн”, деб бу ҳолдан норозилигини билдиради.

— Ишла— Нима учун?— Югур!— Нимага?

— Телевизор керак!— Машина!— Буюм...

Бир йилки, боқмадим тўйиб дунёга,

Севгилим, унутдим майсалар бўйин.³³

Лирик қаҳрамон тараққиёт ривожланиб боргани сайин инсоният табиатдан узоқлашиб, ўзини жонсиз буюмлар билан ўраб олаётганидан хавотирини билдириб, яшашнинг маъноси, иш-ташвишлар, кун-тун – ҳамма-ҳаммаси буюмлар учун қурбон бўлаётганидан ёзғиради. Шоир моддий дунё инсонни тирикликдан узиб қўяётганини оғир ачиниш ҳисси билан ёзади.

“Чумоли ҳақида нутқ” деб аталган шеърда эса шоирнинг жамиятга нисбатан исёни ўзига хос услубда киноя билан кўрсатиб берилади. “Чумоли”нинг ҳаракатлари табиат қонун-қоидаларидан четда эмас, гўёки ростдан ҳам чумолига аталган шеърга шоирнинг жамиятдаги айрим тоифалар, жирканч ва нафс бандаларига қаратилган ҳукму хулосаси акс этади. Шоир жамиятдаги бу тоифаларга нисбатан нафратини чумоли образига яширади.

Уйга... Уйга! Тинмайсан бирпас,

Югурасан... Сенингча, юҳо,

Оғиз қалбни айтиш учунмас,

Овқат учун яралган гўё.³⁴

